

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири, “Ўзметкомбинат” АЖ
Кузатув кенгаши раиси

имзо **А.Н. Арипов**

2025 йил “20” ноябрь

“Ўзметкомбинат” АЖ Кузатув кенгаши мажлисининг
28-сон баёнидан КЎЧИРМА

2025 йил 15 ноябрь

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи:	А.Н. Арипов – Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, “Ўзметкомбинат” АЖ Кузатув кенгаши раиси
Кузатув кенгаши аъзолари:	Ш.А. Вафаев, А.Э. Миралиев, А.О. Қобилов, Б.Х. Каримов, З.А. Ибрахимжанова, Ж.А. Абдушукуров, И.Б. Жумаев
Таклиф этилганлар:	Б.Т. Абдуллаев, М.Б. Джуманиязов, Б.Б. Норматов, М.Н. Монджазиб, М.Ў. Тиркашев
Кузатув кенгаши котиби:	Ю.Х. Усманова
Мажлис кворуми:	100 фоиз

КУН ТАРТИБИ:

“Ўзметкомбинат” АЖ Ижроия органи аъзоси М.Н. Монджазибнинг
ваколатларини муддатидан илгари тугатиш

(Арипов, Вафаев, Каримов, Қобилов, Ибрахимжанова, Жумаев, Абдушукуров, Миралиев, Арипов)

Кун тартибидаги масала бўйича

“Ўзметкомбинат” АЖ (кейинги ўринларда – Комбинат) Ходимлар ва ташкилий ривожланиш дирекцияси директори Б.Б. Норматовга сўз берилди ва у қуйидагилар ҳақида маълумот берди.

Комбинат Кузатув кенгашининг 2025 йил 23 сентябрдаги 23-сон мажлис баёнига кўра Комбинатнинг Юридик департаменти директори лавозимида

меҳнат қонунчилигига мувофиқ 3 ойлик синов муддати билан М.Н. Монджазибнинг номзоди маъқулланган ва Кузатув кенгашининг ушбу қарорига асосан Комбинат Бошқарув раиси – Бош директорининг 2025 йил 6 октябрдаги 8322к-сонли буйруғига мувофиқ М.Н. Монджазиб Юридик департаментининг Талабнома-даъво ишлари бўлими бошлиғи лавозимидан Юридик департаменти директори лавозимига ўтказилган.

Бирок, М.Н. Монджазиб томонидан 2025 йил 13 ноябрь куни у билан тузилган меҳнат шартномасини тарафлар келишувига кўра 2025 йил 14 ноябрдан бекор қилиш тўғрисида Бошқарув раиси – Бош директор номига ариза билан мурожаат қилинган. Шундан сўнг, Комбинат Бошқарув раиси – Бош директорининг 2025 йил 14 ноябрдаги 1 355b-сонли буйруғига мувофиқ М.Н. Монджазиб билан тузилган меҳнат шартномаси тарафлар келишувига кўра бекор қилинган.

Маълумот ўрнида, ““Ўзметкомбинат” АЖ Ижроия органига (Бошқарув) кирувчи лавозимларга номзодларни танлаш ва тайинлаш тўғрисида”ги низомнинг 1.2-бандига кўра, Юридик департамент директори лавозими Ижроия органи таркибига кирувчи раҳбарлик лавозими ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 75-моддаси, шунингдек Комбинат Уставининг 71-бандига мувофиқ, Жамият Ижроия органи аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), **уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш** Кузатув кенгаши ваколатига киради.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, М.Н. Монджазиб билан Комбинат ўртасида тузилган меҳнат шартномаси тарафлар келишувига кўра бекор қилинганлигини инобатга олган ҳолда унинг Комбинат Ижроия органи аъзоси сифатидаги ваколатларини муддатидан илгари тугатиш таклиф этилди.

Масала овозга қўйилди:

Овоз бериш натижалари: “**ёқлаб**” – 8 та овоз, “**қарши**” – йўқ, “**бетараф**” – йўқ.

Кун тартибидаги масала бўйича Кузатув кенгаши қарор қилади:

1. “Ўзметкомбинат” АЖ Ижроия органи аъзоси М.Н. Монджазиб билан тузилган меҳнат шартномаси тарафлар келишувига кўра бекор қилинганлиги муносабати билан унинг Ижроия органи аъзоси сифатидаги ваколатлари муддатидан илгари тугатилсин.

“Ўзметкомбинат” АЖ Бошқарувига (**Абдуллаев**) мазкур мажлис қарори ижросини таъминлаш юклатилсин.

Кузатув кенгаши аъзолари:

Ш.А. Вафаев	имзо	А.Э. Миралиев	имзо
-------------	------	---------------	------

А.О. Қобилов	имзо	Б.Х. Каримов	имзо
--------------	------	--------------	------

З.А. Ибрахимжанова	имзо	Ж.А. Абдушукуров	имзо
--------------------	------	------------------	------

И.Б. Жумаев	имзо		
-------------	------	--	--

Кузатув кенгаши котиби:	имзо	Ю.Х. Усманова
-------------------------	------	---------------